

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ЖОВЛИЕВ ЎКТАМ ТЕМИРОВИЧ**

**ЮҚОРИ НАПОРЛИ ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАРДА СУВ  
ОҚИМИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АНИҚЛАШНИНГ ГИДРАВЛИК  
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.09.07-Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Contents of the Doctoral (PhD) Dissertation Abstract**

**Жовлиев Ўктам Темирович**

Юқори напорли гидротехника иншоотларда сув оқими  
параметрларини аниқлашнинг гидравлик усулларини  
такомиллаштириш..... 3

**Жовлиев Уктам Темирович**

Совершенствование гидравлических методов установления  
параметров водного потока в высоконапорных гидротехнических  
сооружениях..... 21

**Jovliev Uktam Temirovich**

Improvement of hydraulic methods for establishing water flow  
parameters in high-pressure facilities..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ЖОВЛИЕВ ЎКТАМ ТЕМИРОВИЧ**

**ЮҚОРИ НАПОРЛИ ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАРДА СУВ  
ОҚИМИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АНИҚЛАШНИНГ ГИДРАВЛИК  
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.09.07-Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/T834 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Иррагация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Худайкулов Совет Ишонкулович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Эшев Собир Саматович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Гаппаров Фурқат Ахматович**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент архитектура қурилиш институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.02 рақамли илмий кенгашнинг «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 йил соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел: (99871) 237-22-09; Факс: (99871) 237-54-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел: (99871) 237-19-45).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.З.Султанов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**А.А.Янгиев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
т.ф.д., профессор

**Д.Р.Базаров**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сув хўжалиги ва гидроэнергетика соҳасида юқори босимли гидротехника иншоотлари бьефларини туташтириш, сувнинг кинетик энергиясини сўндирувчи турли иншоотларга эга юқори босимли қувурсимон сув ўтказгичдаги гидродинамик жараёнларни тадқиқ қилиш, сувнинг кинетик энергиясини сўндирувчи иншоотлар параметрини такомиллаштириш муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу жиҳатдан, гидротехника иншоотларининг юқори босимли сув ўтказиш трактларида сувнинг кинетик энергиясини сўндириш ҳамда бьефларни туташтириш мақсадида турли: завихритель, диффузор, конфузор ва ҳ.к. қурилма ва иншоотлардан самарали фойдаланиб келинмоқда. Бу борада кўпгина мамлакатларда, жумладан АҚШ, Канада, Ҳиндистон, Хитой, Голландия, Россия ва Ўзбекистоннинг соҳадаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари олимлари ишларида уюрмали (вихревых) шахтали ҳамда диффузор, конфузорли сув ташлаш трактларининг конструкциялари ва гидравлик ҳисобларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда юқори босимли уюрмали оқимларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга йуналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан гидротехника иншоотларининг юқори босимли трактларида фойдаланиб келинаётган турли (завихритель, диффузор, конфузор ва ҳ.к.) қурилма, иншоотлари фаолияти натижасида вужудга келадиган ва иншоотлар элементларига салбий таъсир қиладиган динамик кучланишлар, тебраниш, кавитация жараёнлари билан боғлиқ илмий-техника муаммолари ҳамда юқори босимли гидротехника иншоотлари бьефларини туташтиришни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамизда сув хўжалиги ва энергетика соҳасининг гидротехника иншоотларида юқори босимли оқимларни қуйи бьеф билан туташтириш имконини яратувчи гидравлик ҳисоблашларнинг янги усулларини яратишга доир чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан "...Муҳандислик-коммуникация ва инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш"<sup>1</sup> вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб юқори босимли оқимларни қуйи бьеф билан туташтиришни ҳисоблашнинг илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган назарий асослари ва усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25-сентябрдаги ПҚ-3286-сонли "Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон "Сув ресурсларини

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиётлар таҳлиliga кўра, бьефларни туташтириш билан боғлиқ илмий техник-муаммолар билан Д.Баско, Дж.Адамс, С.К.Гомаста, К.Г.Ранга-Райю, Р.Нарайанан, Н.П.Розанов, Н.Н.Пашков, Г.А.Юдицкий, Н.Н.Беляшевский, А.Н.Рахманов, Т.П.Проворов, Н.Т.Кавешников, Н.Н.Розанова, Н.А.Чигер, М.Р.Бакиев, А.А.Янгиев каби соҳа олимларининг ишларида яхши ўрганилган. Жумладан, уюрмали (вихревых) шахтали ҳамда диффузор, конфузорли сув ташлаш трактларининг конструкциялари ва гидравлик ҳисоблари такомиллаштирилган.

Буралган (закрученный) ва илгариланма оқимларнинг динамикасининг ҳамда юқори босимли гидротехника иншоотларидаги оқимларни туташтириш муаммоларини ўрганиш бўйича етарлича ишлар амалга оширилган, олинган маълум бир қонуниятлар мураккаб амалий масалаларни қисман ечишга имконият яратган. Юқори босимли сув ўтказиш трактларидаги мураккаб гидродинамик жараёнлар юз беради. Ушбу жараёнларни характерловчи қонуниятлар С.М.Слиский, Б.А.Животовский, А.Л.Зуйков, Н.В.Ханов, ишларида яхши ўрганилган. Уларни ишларида юқори босимли оқимларни туташтириш шакллари ва турларини гидравлик ҳисоблари такомиллаштирилиб, босимли оқимларни туташтириш шартлари ишлаб чиқилган. Аммо олинган натижалар лаборатория шароитларида махсус тажрибалар орқали тасдиқланишини талаб этади.

Бугунги кунда юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда сувнинг кинетик энергиясини сўндирувчи турли иншоотларга эга юқори босимли қувурсимон сув ўтказгичдаги гидродинамик жараёнларни тадқиқ қилиш, сувнинг кинетик энергиясини сўндирувчи (завихритель, диффузор, конфузорлар) иншоотларнинг параметрини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш талаб этилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институтининг илмий-тадқиқотлари режасининг ҚХ-А-ҚХ-2018-291 “Юқори босимли туғонлардаги туташувчи оқимлар конструкциясини такомиллаштириш ва ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш” амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Гидротехника иншоотларининг юқори босимли қувурларидаги илгариланма ва уюрмали ҳаракатдаги сув оқимини барқарор ҳолатини шакллантиришнинг гидравлик усулларини такомиллаштиришдан иборат.

### **Тадқиқот вазифалари:**

юқори босимли қувурлардаги циркуляцияли ва илгариланма оқимлар механикаси, оқим моделининг эволюцияси ва уларни гидравлик ҳисобларига оид тадқиқотларни ретроспектив таҳлили;

юқори босимли қувурсимон сув ташлаш иншоотининг узунаси бўйича циркуляция ва илгариланма ҳаракатдаги оқимлар структурасининг трансформацияси қонуниятларини экспериментал тадқиқ қилиш;

юқори босимли қувурларда турли гидравлик қаршилиқларда (завихритель, диффузор, конфузор) вужудга келадиган бурамали (закрученный) сув оқимининг гидравлик моделларини ишлаб чиқиш;

юқори босимли қувурсимон сув ўтказгичлардаги сув оқимининг кинетик энергиясини сўндирувчи турли оптимал параметрларини аниқлаш;

юқори босимли гидротехника иншоотларининг сув ўтказиш трактларидаги гидродинамик босим динамикасини ифодаловчи гидравлик моделни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объектлари сифатида** лойиҳалаштирилаётган ёки фойдаланилаётган гидротехника иншоотларининг юқори босимли қувурсимон сув ташлагичлари олинган.

**Тадқиқот предмети** гидротехника иншоотларининг юқори босимли трактларида рўй берадиган гидравлик жараёнлар, кавитация, бурама оқимлар, босимлар ташкил қилади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий ва экспериментал тадқиқотларни амалга ошириш бўйича гидравликада умумий қабул қилинган усуллар, гидромеханика қонунлари асосида гидравлик моделлар тузиш ва уларни сонли ҳисоблаш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сўндирувчиларга эга юқори босимли қувурсимон сув ташлагич ҳамда қуйи бьефни туташтириш шартлари оқимнинг кинетик энергиясини инобатга олиб асосланган;

уормали оқимни илгариланма ҳаракатга ўтиш участкаси узунлигини аниқлашнинг гидравлик ифодаси оқимнинг кинетик энергиясини инобатга олиб асосланган;

юқори босимли қувурсимон сув ташлагичдаги диффузорнинг оптимал параметрлари сувнинг кинетик энергиясини сўндиришни инобатга олиб асосланган;

юқори босимли қувурсимон сув ташлаш иншоотларида гидродинамик босимнинг ўзгаришини ифодаловчи гидравлик модель оқимнинг кинетик энергиясини инобатга олиб такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Профиль назарияси асосида сув омборлари туғонларининг сув ташлаш ва ўтказувчи трактларида сувнинг кинетик энергиясини сўндирувчи иншоотларнинг (тангенциал завихритель) параметрлари такомиллаштирилди;

сув омбор туғонларидаги сув ташлаш ва ўтказувчи иншоотларда сувнинг кинетик энергиясини сўндирувчи диффузорнинг кенгайиш бурчакларининг параметрлари аниқланди;

уюрумли (вихревую) оқимни шакллантирувчи профиль учун оқим тезлиги, гидродинамик босим ўзгаришини ифодаловчи гидравлик ифода ҳамда сув ўтказувчи иншоотда оқимнинг уюрмали ҳаракатида диффузор ҳамда конфузорда гидродинамик босимни пасайишини ифодаловчи коэффициент учун олинган гидравлик боғлиқлик йирик гидротехника иншоотларининг сув ўтказувчи трактларини лойиҳалаш ишларида қўлланилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ечимларни ишлаб чиқишида умум қабул қилинган гидромеханика қонунлари ва математик усулларга асосланган, олинган назарий натижаларни амалга оширилган экспериментал ва амалда ўтказилган тадқиқот натижалари билан таққослаб текширилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диффузорнинг кенгайиш ва конфузорнинг тарайиш бурчакларининг мақбул қийматларини ҳисоблашнинг гидравлик моделлари ва усулларини ишлаб чиқилганлиги билан ҳамда оқимни энергиясини турли сўндирувчиларига эга сув ўтказувчи трактдаги уюрмали оқимнинг гидродинамик босими ва тезлигини ўзгаришини ҳисоблашнинг гидравлик усуллари такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти асосида сув омборлари тўғонларининг сув ташлаш ва ўтказувчи трактларида оқимнинг кинетик энергиясини сўндрувчи иншоотдаги тангенциал уярма параметрларини аниқлаш усуллари гидроиншоот хавфсизлигини белгиловчи мезонлар сифатида қабул қилинганлиги билан ҳамда диффузорнинг ички девори нишаблигининг  $10^0$  бурчак остида оқим кинетик энергиясини сўнишини характерловчи корреляция боғлиқлик ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Юқори напорли гидротехника иншоотларда сув оқими параметрларини аниқлашнинг гидравлик усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сўндирувчиларга эга юқори босимли қувурсимон сув ташлагич ҳамда қуйи бьефни туташтириш шартлари Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Аму-Қашқадаё Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси фаолиятида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 27 декабрь 02/25-49-50-сон маълумотномаси). Натижада сув омбори иншоотларидан фойдаланиш ишончлилиги ва хавфсизлигини таъминлаш имконияти яратилган;

юқори босимли қувурсимон сув ташлаш иншоотларда уюрмали оқимни илгариланма ҳаракатга ўтиш участкаси узунлигини аниқлашнинг гидравлик ифодаси Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қашқадарё вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси фаолиятида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 27 декабрь 02/25-49-50-сон маълумотномаси). Натижада, йирик гидротехник иншоотларнинг сув ўтказувчи трактларидан самарали фойдаланиш имконини берган;

юқори босимли қувурсимон сув ташлагичдаги диффузорнинг оптимал параметрлари Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Аму-Қашқадаё ИТХ бошқармаси фаолиятида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 27 декабрь 02/25-49-50-сон маълумотномаси). Натижада сув омборларида



юқори босимли ва катта тезликдаги оқимда вужудга келадиган кавитация ва вибрация жараёнларининг салбий таъсирларини камайтириш имконияти яратилган;

юқори босимли қувурсимон сув ташлаш иншоотларида гидродинамик босимнинг ўзгаришини ифодаловчи такомиллаштирилган гидравлик модель Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Қашқадарё вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси фаолиятида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 27 декабрь 02/25-49-50-сон маълумотномаси). Натижада сув омборлари иншоотларидан фойдаланиш ишончилиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда гидротехника иншоотларининг капитал таъмирлаш ишларига сарфланадиган ҳаражатларни 5% гача қисқартириш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари халқаро, республика миқёсидаги анжуманларда ва институт илмий кенгашида муҳокама қилинган ва маъқулланган, шу жумладан 1 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 6 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг илмий ишга тегишли 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида Ўзбекистонда ва жаҳонда ўтказилган илмий тадқиқотлар асосида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, чоп этилган натижалар ва диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Юқори босимли сув ташлаш иншоотларида вужудга келадиган кавитация жараёнлари, оқимнинг циркуляция ва илгариланма ҳаракати гидродинамикасининг ретроспектив таҳлили”** деб номланган биринчи бобида мавжуд тадқиқотлар таҳлили келтирилган. Новикова И.С., Семенков В.М., Проворова Т.П., Жаров Н.И., Симпсон, Chanson Н., Iwao Ohtsu, Yonichi Yasuda ишларида юқори босимли сув ташлаш иншоотларининг трактларида босим пульсацияси кўринишидаги гидродинамик кучланишлар

ҳамда кавитация жараёнлари ўрганилган. Сув ўтказиш трактларида гидродинамик кўчланиш таъсирини камайтириш мақсадида сурувчи қувурларда маҳаллий гидравлик қаршилиқларни шакллантирувчи қурилмаларидан кенг фойдаланилади. Юқори босимли гидротехника иншоотларининг сув чиқариш қисмларини турли хилма хиллиги ва конфигурацияларининг фарқланиши натижасида, маълум турдаги сув ташлаш иншоотлари учун олинган сарф коэффициентларини қўллаш катта хатоликларга олиб келади.


Гидравлик сакрашнинг шаклларида бирида оқимнинг ортиқча энергиясини сўндиришда, оқимнинг транзит қисмининг вертикал текислигида нисбатан жойлашиши бўйича икки турдаги режим вужудга келиши мумкин: транзит оқимча оқим юзасига ёки яқинига жойлашгандаги юза бўйлаб сакраш; транзит оқимчани оқим тубида барқарор жойлашгандаги туб бўйлаб сакраш.

Девятов Б.Н., Демиденко Н.Д., Дульнев В.Б., Щедрин А.С., Коржов В.И. ва бошқ., муаллифлар сув чиқарувчи қувурнинг чиқишидаги буралган оқимни улоқтириш орқали қуйи бьеф билан туташтиришни ўрганишган. Қолдиқ бурамага эга оқимни улоқтириш схемасида уюрмали сув ташлагичдан оқим ҳавода кенгайиб, солиштирма сув сарфи камайиб қуйи бьефга динамик таъмир камаяди.

Юқори босимли сув ўтказиш трактларидаги мураккаб гидродинамик жараёнлар юз беради. Ушбу жараёнларни характерловчи маълум бир қонуниятлар С.М.Слисский, Б.А.Животовский, А.Л.Зуйков, Н.В.Ханов, М.Р.Бакиев, А.А.Янгиев ишларида яхши ўрганилган. Аммо олинган натижалар лаборатория ускуналарида махсус тажрибалар орқали тасдиқланишини талаб этади.

Диссертацияда келтирилган ишлар таҳлили шуни кўрсатдики, сувнинг кинетик энергиясини сўндирувчи турли иншоотларга эга юқори босимли қувурсимон сув ўтказгичдаги гидродинамик жараёнларни тадқиқ қилиш, сувнинг кинетик энергиясини сўндирувчи (завихритель, диффузор, конфузорлар) иншоотлар параметрини такомиллаштириш масалалари етарлича ўрганилмаган.

Диссертациянинг **“Кавитация жараёнлари вужудга келадиган қувурсимон сув ташлагичларнинг гидравлик шартларини экспериментал тадқиқ қилиш”** деб номланган иккинчи боби гидравлика соҳасидаги энг асосий илмий муаммолардан бири сув ташлаш иншоотларидан сув сарфини чиқариш, оқимнинг ортиқча кинетик энергиясини сўндириш ҳисобланади. Ушбу жараёнларни лаборатория ускунасида тадқиқ қилинди. Экспериментал тадқиқотлар доирасида оқимнинг кинетик энергиясини сўндирувчи турли қурилмаларга эга қувурсимон сув ташлаш иншоотидаги юқори босимга ва тезликка эга оқимнинг асосий гидравлик характеристикалари ҳамда вужудга келадиган кавитация жараёнлари тадқиқ қилинди. Экспериментал тадқиқотларини амалга ошириш натижасида қувурсимон сув ташлаш иншоотининг лаборатория ускунасида оқим тезлиги, гидродинамик босим ва Эйлер мезонлари аниқланди. (1- расм)



**1 – расм. Гидравлик қурилма схемаси**

1-босимли сув идиши, 2-органик шишадан ясалган цилиндрик қувур (Plexiglas), 3-фланец, 4-металл қувур  $d=135$ мм, 5- $10^\circ$  бурчакли диффузор, 6- $15^\circ$  бурчакли конфузор, 7-назорат ойнаси ўрнатилган металл қувур  $d=185$  мм, 8-оқимни ростлаш винти (задвижка). 9-насос агрегати, электромотор маркаси: 1КМ50-32-125

Гидравлик ускуна цилиндрик шаклга эга, унинг узунлиги 1,96 м, диаметри 135 ва 185мм ни ташкил этади. (АВ) участкаси тиниқ органик ойнадан (Plexiglas) қилинган, у қуйидагилардан иборат (1-расм):

- босимли сув идишига сув узатувчи задвижкали қувур ва сувни ташлаш учун олиб чиқиб кетувчи қувур;

- тажрибаларни ўтказиш давомида қувурдаги керакли босимни ушлаб туришни ва тажрибалардан сўнг сувни ташлашни таъминлайдиган тинчлантирувчи камераси ҳамда сув идиши;

- ташлама идиш.

Модель 10 мм органик ойнадан ишланган цилиндрик қувур ҳамда 135 мм диаметрли металл қувурдан иборат.  $10^\circ$  бурчакли диффузор, унинг диаметри 185 мм, конфузорнинг диаметри 135 мм. Оқим босимини аниқлаш учун (ҳисоблаш створларида) ўтиш жойларида манометрлар ўрнатилган (2 ва 3-расмлар).

Қувурсимон сув ташлаш иншоотининг бош қисми, қувурлар (шиша ва металл), якуний қисми ва задвижкадан иборат. Сув қувурга сув босимли идишининг юза қисмидаги тешиги орқали киради. Сув босимли идишга 1КМ50-32-125 насоси ёрдамида етказиб берилади. Сув оқимининг буралишини визуал кузатишни таъминлаш учун ўтиш жойларига органик шишалардан ясалган ойналар ўрнатилади.

Гидродинамик жараёнларни (оқимининг буралиши, гидродинамик босимни ўзгариши) аниқлаш учун 5 мартта кетма-кет тажрибалар серияси ўтказилди.

Тўртта манометрлар ёрдамида гидродинамик босимнинг ўзгариши кузатилди. Қувурсимон сув ташлаш иншоотининг моделининг ўтиш жойларида

органик шишадан ясалган цилиндрик қувурда паст босимли соҳаларда пуфакчаларни пайдо бўлиш жараёнини визуал кузатиш имкониятини яратди.



**2–расм. Қувурсимон сув ташлаш иншоотининг лаборатория ускунаси**



**3–расм. Манометр ТМ-320Р**

Қувурсимон сув ташлаш иншооти моделида оқим тезлиги ултратовушли сарф ўлчагич билан ўлчанди.

Физик моделда задвижкани тўлиқ очилиши  $Q_m = 0,05866 \text{ м}^3/\text{с}$  сув сарфини ўтказишга эришилди. Ҳисобий створ сифатида 4 манометрдаги гидродинамик босимни ўзгариши кўриб чиқилган. (1-расм). Қувурсимон сув ташлаш иншоотидаги затворни тўлиқ очилиш ҳолатида гидравлик хисоблашларни амалга оширилган.

Кавитация сувда абсолют босим  $P_{абс}$  қийматини пар ҳосил бўлиш босимига  $P_{кр}$  қадар пасайиши натижасида вужудга келади, натижада сувдаги эриган газлар ажралиб чиқа бошлайди ва сувда ҳаво пуфакчалари пайдо бўлади. Қувурсимон сув ташлаш иншоотидаги оқимнинг пар ҳосил бўлиш босими соҳаларида пуфакчалар бирлашади ва ёрилади.

Кавитация ҳодисасини олдини олиш бўйича, қўйидаги шартлар бажарилиши шарт:

1. Оқимнинг ихтиёрий нуқтасидаги абсолют босим қиймати пар ҳосил бўлишининг критик босим қийматидан катта бўлиши шарт бўлиб, сувнинг туйинган газ босимига (фақат сувнинг температурасига боғлиқ) тенг деб қабул қилинади:

1.  $P_{абс(м)} > P_{кр} = P_t$ , Па ( $P_t$  – сув температурасига боғлиқ);
2.  $P_{орт} < (P_{атм} - P_{кр}) = P_{атм} - P_t$ , Па.
3. Кавитация параметри  $K \geq K_{кр} = 1$

Ушбу 3 та шартнинг бирортаси бажарилмаса, кавитация жараёни юз беради. Кавитация жараёнини юз бериши эҳтимоллигини баҳолаш умум қабул қилинган услуб бўйича, яъни кўрилаётган элементлар яқинидаги  $K_{кр}$  критик катталиклар билан кавитация коэффицентининг ҳақиқий қийматлари билан таққослаш орқали амалга оширилди. Бунда кавитация ҳодисасининг рўй бериш  $K < K_{кр}$  тенгсизлик билан ифодаланади.

Лаборатория ускунасидаги затворнинг тўлиқ очилганлиги шароитида максимал ҳисобий  $Q_M = 0,05866 \text{ м}^3/\text{с}$  сув сарфида физик моделнинг ўтиш участкаларида кавитацияни шаклланиши ва ривожланиши ҳолатлари тадқиқ қилинди. Гидравлик ҳисобларни тўртта қирқимда бажарилган (4 манометр ўрнатилган створга тўғри келади). Қуйидагиларни эътиборга олиб:

$$P_{abc} = P_{atm} + \rho gh, \quad P_{opt} = \rho gh$$

$P_{opt} = 1000 \frac{\text{кг}}{\text{м}^3} 9,81 \frac{\text{М}}{\text{с}^2} 6 \text{ м} = 58800 \text{ Па}$  4 та манометрдаги кўрсаткичга кўра ҳисоблаш амалга оширилди;

$$P_{abc} = 101325 + 58800 = 160125 \text{ Па};$$

$$P_{кр} = P_{t=15^\circ\text{C}} = 1710 \text{ Па};$$

$P_{abc} = 160125 \text{ Па} > P_{кр} = 1710 \text{ Па}$  кавитация рўй бермаслигининг биринчи шarti бажарилди.

Иккинчи шартни бажарилишини текширамиз:

$P_{opt} = 58800 \text{ Па} < (P_{atm} - P_{кр}) = 99615 \text{ Па}$  – кавитация рўй бермаслигининг иккинчи шarti бажарилди.


Кавитация параметри:

$$K = \frac{2(P_{opt} - P_{кр})}{\rho v_{хар}^2}$$

бу ерда:  $v_{хар}^2 = 3,95 \frac{\text{М}}{\text{с}}$  – сув ташлаш иншоотининг физик моделида ультратовуш асбоби билан ўлчанган тезлик квадрати, у ҳолда

$$\alpha = 7,3 > K_{кр} = 1.$$

Гидравлик ҳисоблашлар натижасида кавитация пайдо бўлмаслигининг барча шартлари бажарилди. Ҳисоблаш створида сувнинг абсолют босими қийматининг критик қийматдан пасайиши ҳамда бошқа ўтиш участкаларида (завихритель, диффузор, конфузор) маҳаллий гидравлик қаршиликлар вужудга келиши кўзатилди (4-расм.)



**4-расм. Қувурсимон сув ташлаш иншооти ўқи бўйлаб гидродинамик босимни ўзгариши графиги**

Оқимнинг 3 м/с дан катта тезликларида сув чиқарувчи иншоотнинг нормал ишлаши учун (лойихалар даврида кавитация таъсирини) кавитация ҳисоби бўйича муҳим чоралар кўриш зарур, яъни жисмнинг юқори тезликга эга оқим томонидан кавитацион емирилиш жадаллиги, оқим тезлигининг 5-7 даражасига пропорционал равишда боғлиқ бўлади.

Хулосада қуйидагини таъкидлаш мумкин, қувурсимон сув ташлагич трактида кавитацияни вужудга келиш эҳтимоллиги нафақат бажарилган ишлар камчилигига балки лойиҳа қарорларини қабул қилиш масалаларига сезиларли боғлиқ. Тадқиқотлар ва тажрибалар ўтказиш масалани ечишнинг таклиф қилинаётган усулларига аниқлик киритиш имконини беради.

Албатта, кичик масштабдаги физик моделда кавитация ва аэрация жараёнларини моделлаштириш мушкул иш. Бироқ ушбу физик моделда ўрганилаётган жараённинг асосий хусусиятлари тўғрисида муҳим билимлар олиш имкониятига эга бўлдик. Шу сабабли ушбу жараённи гидравлик моделлаштириш талаб этилади. Диссертация ишининг 3-бобида ушбу масалалар ўрганилган.

Диссертациянинг **“Юқори босимли оқимларни туташтирувчи қувурсимон сув ташлаш иншоотларидаги оқимнинг гидродинамик параметрлари”** деб номланган учинчи бобида назарий тадқиқотлар натижалар ва уларни эксперимент натижалари билан таққослаш ишлари ёритилган. Юқори бўёфдан ташланаётган оқимнинг қуйи бўёф билан ўзаро таъсири гидротехника иншоотининг сув ўзатиш трактидаги гидродинамик босимнинг маҳаллий ва умумий қайта шаклланишига олиб келади. Оқимнинг кинетик энергиясини турли сўндиргичлари мавжуд бўлган ўтиш участкаларида гидродинамик босимни ўзгариш динамикасини тадқиқ қилдик. Оқимнинг ортиқча кинетик энергиясини сўндиргичларнинг оптимал параметрлар профилъ назарияси асосида ишлаб чиқилиши мумкин. Тадқиқот иши доирасидаги назарий ва эксперимент усуллар негизида уюрмали назария ва туташ муҳитлар механикасининг асослари ўрин олган.

Лаборатория тадқиқотларидан олинган натижалар ҳамда сонли экспериментларга кура қуйидаги гидравлик параметрлар топилди: соат

стрелкаси бўйлаб йўналган циркуляция тезлиги қиймати  $C = 0,42 \frac{M^2}{c}$ , индуктив қаршилик кучи қиймати  $R_1 = 9,73 \cdot 10^4 H$  ва инерция кучи  $R_{ин} = 2,43 \cdot 10^5 H$ .


Импульс ва энергиянинг сақланиш тенгламалари асосида қувурсимон сув ўтказувчи трактнинг диффузор ва конфузорларида оқимнинг тирик қирқимини ўзгаришига ҳамда таъсир бурчагига (угол атаки) боғлиқ равишда оқим тезлигини ўзгаришини ифодаловчи қуйидаги тенглама олинди:

$$\frac{\bar{v}^2}{2} \left(1 - \frac{1}{\omega^2}\right) - \varpi_0 \left(1 - \frac{1}{\varpi}\right) + (\varpi_0 - \bar{g})^2 (\varpi - 1) \frac{\varpi_0 - \varpi - 1}{(\varpi_0 - \varpi)(\varpi_0 - 1)\varpi} = \alpha_\omega(z) \bar{v}^2 \quad (1)$$


бу ерда:  $\alpha_\omega(z)$ —оқимнинг диффузорнинг ички сиртига таъсир бурчаги (угол атаки),  $V$ —диффузорга келувчи оқимнинг тезлиги,  $\omega$ —буралган оқимнинг бурчак тезлиги,  $z$ —минимал профилъ маркази координатаси,

$\alpha_0$ —диффузорнинг кичик қирқими бурчаги, ёки  $X$  ва айланиш ўқлари орасидаги бурчак.  $\varpi = \frac{\omega_1}{\omega_2}$ ,  $\varpi_0 = \frac{\omega_0}{\omega_2}$ ,  $\bar{\vartheta} = \frac{V_2}{V_0}$ , ўлчовсиз параметрлар.

5а-расм ва 5б-расмда  $\varpi_0 = 6, \dots, 10$  қийматлари учун  $\bar{\vartheta}(\varpi)$  боғлиқликлари кўрсатилган. Кўриниб турибдики,  $\bar{\vartheta} \approx 1,5$  максимуми, яъни диффузорнинг чиқиш қирқимида тезликнинг  $\bar{\vartheta} \approx 1,5$  баробар катта бўлиши  $\varpi \approx 0,81$  қийматга туғри келади, бу эса диффузор диаметри бўйича 10 фоиз қисилишини англатади.



**5а-расм. Оқимнинг тирик қирқими, таъсир бурчагига боғлиқ ҳолда тезликни ўзгаришни ифодаловчи тенгламанинг ечими графиги**



**5б-расм. Оқимнинг тирик қирқими, таъсир бурчагига боғлиқ ҳолда тезликни ўзгаришни ифодаловчи тенгламанинг ечими графиги**

Уюрмали оқим кираётган диффузорнинг кириш қисмида ( $\alpha_1 > 0$ ) босимнинг пасайиши иккита механизм орқали аниқланди: диффузор каналини кенгайтириши  $\omega = 2\pi r_{yp} \Delta r$  натижасида оқим тезлигини камайтириши ҳамда диагональ каналида оқимнинг буралишининг “эркин уярма”  $\zeta_u r = const$  ўзгариши

ҳаракати тенгламаси билан ифодаланади. Агарда  $\frac{\partial p}{\partial r} = \frac{\rho}{r} \zeta_u^2$  радиал мувозанат тенгламасини эътиборга олсак, диффузорнинг ўрта радиусида босимни пасайиши коэффициентни  $\zeta_p$  тўлиқ тезлик напори орқали қуйидагича ифодаланади:

$$\zeta_p = \frac{\Delta p}{\rho \zeta_u^2} = 1 - \left( \frac{\Delta \omega_1}{\Delta \omega_2} \right)^2 \cos^2 \alpha_1 - \left( \frac{r_1}{r_2} \right)^2 \sin^2 \alpha_1 \quad (2)$$

бу ерда:  $\Delta p$  - босим ортирмаси,  $\rho$  - сув зичлиги.

Назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижасига кўра босим камайишини характерловчи коэффициентни ҳисоблашда  $\alpha_1 \geq 40 \dots 45^\circ$  оқимнинг буралишидаги босимнинг радиал градиентида қувурнинг ички қисмида ушбу коэффициент эгри чизиқ бўйича тақсимланади. Диффузор каналининг мусбат қиялигида коэффициентларни қийматлари диффузорнинг кириш қирқимида, чиқиш қирқимига қадар камаяди, ушбу оқим буралишини камайиши сабабли рўй беради. Оқимнинг бошланғич  $\alpha_1 \geq 40 \dots 45^\circ$  буралишидан  $\alpha_1 \geq 20 \dots 30^\circ$  гача буралишида босимнинг пасайишини характерловчи коэффициентларнинг қийматларини тақсимланиши ўртасида деярли фарқ бўлмайди. Диффузорнинг ички деворининг  $\psi_{вн} = 10^\circ$  бурчак остидаги қиялигида ўтказилган эксперимент натижалари асосида қуйидаги корреляция боғлиқлиги олинди:

$$\frac{\Delta \omega_2}{\Delta \omega_1} = 1,2 + \frac{0,2}{\cos^2 \alpha_1} \frac{l}{\Delta r_1} \quad (3)$$

Сув ташлаш иншоотининг диффузорли ўтиш соҳалари учун тадқиқ қилинган гидродинамик жараёнлар, диффузорлик хусусиятларини баҳолаш учун фазовий боғлиқсиз ўзгарувчилар сифатида оптимал геометрик параметрларни жорий қилиш имкониятини яратди.

Юқори босимли сув ўзатиш трактидаги гидродинамик жараёнларни моделлаштириш мақсадида қувурсимон сув ташлаш иншоотининг ўтиш участкалари учун сув сарфи баланс тенгламаси тузилди.

$$Q = Q_{зав} + Q_{диф} + Q_{кон} + Q_{кис} \quad (4)$$

бу ерда:  $Q$  – физик моделининг органик шиша қувуридаги сув сарфи;  $Q_{зав}$  – завихритель камерасидаги сув сарфи;  $Q_{диф}$  – диффузордаги сув сарфи;  $Q_{кон}$  – конфузордаги сув сарфи;  $Q_{кис}$  – қувурда сув хажмини қисилишидаги сув сарфи.

Турли маҳаллий гидравлик қаршилиқларга эга (завихритель, диффузор, конфузор) сув ўтказувчи трактдаги сув ҳаво аралашмаси оқими ҳаракатининг гидравлик ҳисоблашлари энергиянинг сақланиш тенгламаси ечимига асосланади:

$$\frac{Q_2}{Q_1} - 1 = \left[ \left( \frac{p_1}{p_2} \right)^b - 1 \right] \quad (5)$$



бу ерда:  $Q_1, Q_2$  - (I-I) ва (II-II) қирқимлардаги оқимнинг массали сарфи,  $p_1, p_2$  - (1-1) ва (2-2) створлардаги гидродинамик босим,  $b$  - константа.

$Q$  ва  $p$  гидродинамик параметрларнинг қийматларининг ҳисоблаш ишлари (I-I) ва (II-II) створлардаги маълум параметрлари асосида итерация йўли билан амалга оширилади. Агар оқим бир ёки икки фазали бўладиган бўлса бир қадамли итерация амалга оширилади. Бизнинг ҳолда икки фазали (сувҳаво) оқими кўрилатганлиги сабабли бир қадамли итерация амалга оширилди. Бунинг учун бошланғич қадам сифатида қуйидаги ифодадан фойдаландик:

$$p_0 = \frac{(p_1 + p_2)}{2} \quad (6)$$

Ундан кейин, қувурсимон сув ўзатиш трактининг ўтиш соҳларида гидродинамик босимнинг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда сув сарфини аниқланади:

$$Q_{зав} = \frac{\mu_{зав} Q_0}{(a_1^b - 1)tg\alpha + 1} \quad (7)$$

бу ерда:  $Q_0$  - сувҳаво аралашма оқимининг бошланғич сарфи,  $\mu_{зав}$  - завихритель камерасидаги сув сарфи коэффиценти,  $a_1 = \frac{p_{зав}}{p_0}$  - завихритель камерасида босимни ўзгаришини характерловчи эмпирик коэффицент,  $b$  - эмпирик константа.

$$Q_{диф} = \frac{\mu_{диф} Q_0}{l_1} \int_{l_1} (a_2^b - 1) dl_1 \quad (8)$$

бу ерда:  $\mu_{диф}$  - диффузорнинг сарф коэффиценти,  $a_2 = \frac{p_{диф}}{p_0}$  - диффузорда босимни ўзгаришини характерловчи эмпирик коэффиценти,  $l_1$  - диффузор канали узунлиги.

$$Q_{кон} = \frac{\mu_{кон} Q_0}{l_2} \int_{l_2} (a_3^b - b + 1) dl_2 \quad (9)$$

бу ерда:  $\mu_{кон}$  - конфузорнинг сарф коэффиценти,  $a_3 = \frac{p_{кон}}{p_0}$  - конфузорда босимни ўзгаришини характерловчи эмпирик коэффиценти,  $l_2$  - конфузор канали узунлиги.

$$Q_{кис} = Q_0 \beta_{кис} l \frac{dp}{dl} \quad (10)$$

бу ерда:  $\beta_{кис} = -\frac{1}{W} \frac{dW}{dp}$  - сиқилиш коэффиценти,  $l$  - қувурсимон сув ташлаш трактининг узунлиги,  $\frac{dp}{dl}$  - сув ташлаш тракти узунлиги буйлаб гидродинамик босимни ўзгариши.


(7), (8), (9), (10) формулаларни (4) тенгламага қуйиб, қуйидаги тенглама олинди:

$$Q = \frac{\mu_{зав} Q_0}{(a_1^b - 1)tg\alpha + 1} + \frac{\mu_{диф} Q_0}{l_1} \int_{l_1} (a_2^b - 1) dl_1 + \frac{\mu_{кон} Q_0}{l_2} \int_{l_2} (a_3^b - b + 1) dl_2 + Q_0 \beta_{сж} l \frac{dp}{dl} \quad (11)$$


(10) тенгламадан гидродинамик босимни ўзгаришини ифодаловчи тенглама олинди:

$$p = \int_l \left[ \frac{Q}{Q_0 \beta_{кис} l} - \frac{\mu_{зав}}{\beta_{кис} l (a_1^b - 1)tg\alpha + 1} - \frac{\mu_{диф}}{l^2 \beta_{кис}} \int_{l_1} (a_2^b - 1) dl - \frac{\mu_{кон} Q_0}{l^2 \beta_{кис}} \int_{l_2} (a_3^b - b + 1) dl_2 \right] dl \quad (12)$$

Натижада турли маҳаллий гидравлик қаршиликларга (завихритель, диффузор, конфузор) сув ўзатиш трактида гидродинамик босимни ўзгаришини ифодаловчи тенглама олинди. Ўтказилган экспериментлардан олинган параметрлар асосида (12) тенгламани сонли эксперименти амалга оширилди. Сонли ва лаборатория экспериментларининг таққослаш натижалари 6 ва 7-расмга график кўринишда келтирилган, хатолик 4 фоизни ташкил этади.



6-расм. Гидродинамик босим ўзгаришининг графиги



7-расм. Лаборатория ва сонли эксперимент натижаларини таққослаш графиги, хатолик 4% ташкил этади

## ХУЛОСА

“Юқори напорли гидротехника иншоотларда сув оқими параметрларини аниқлашнинг гидравлик усулларини такомиллаштириш” мавзусидаги фалсафа (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Оқим энергиясини пасайтириш (сўндириш) ва иншоотларни маҳаллий ювилишини камайтириш учун турли хил қурилмалар ишлаб чиқилган ва тадқиқот қилинган. Шу билан бирга, конструкциянинг хусусиятларини ва иншоотларнинг ишлаш режимларини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд энергия сўндиргичларнинг конструктив ечимларини такомиллаштириш орқали юқори босимга ва тезликка эга оқимларни қуйи бьеф билан туташтириш долзарб илмий техника муаммоси бўлиб қолмоқда. Амалдаги тадқиқотлар таҳлили, қолдиқ уюрмали оқимчани ва уни қуйи бьеф билан туташтиришнинг ҳисоблаш усулини такомиллаштириш заруриятини вужудга келтирди. Яъни, ушбу оқимчани ҳисоблаш усули назарий жиҳатдан ишлаб чиқилиб таклиф этилган. Олинадиган натижаларни текшириш учун махсус тажрибалар ўтказилиши кераклигини кўрсатди.

2. Гидравлик қаршилиқлар орқали оқимнинг кинетик энергиясини сўндириш самарали усуллардан ҳисобланиб, тадқиқот иши доирасида ўтказилган экспериментларга кўра, бу шаклдаги сўндиргич тизимларида оқимнинг ортиқча кинетик энергиясининг 96–98 фоизи сўндирилишига эришилиб, юқори босимли сув ташлаш гидротехника иншоотлари учун самарали натижаларни олиш имконитини беради.

3. Гидротехника иншоотининг оқимнинг кинетик энергиясини сўндиргич трактида оқим ҳаракатининг хусусияти циркуляция–илгариланма ҳаракати билан боғлиқ бўлади. Физик моделда ўтказилган лаборатория тадқиқотлари натижаларига кўра, қувурсимон сув ўтказиш трактида бир бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда икки хил шаклдаги оқим ҳаракати вужудга келди: циркуляция–илгариланма ва контр уюрмали. Биринчи шакл– циркуляция–илгариланма квазипотенциал модель билан ифодаланади. Ушбу оқим, катта тезликка эга циркуляция–илгариланма оқим бўлиб, оқимда бушлиқларни пайдо бўлиши ва гидродинамик босим қийматларининг критик қийматидан паст бўлишига ҳамда кавитация жараёнларини шаклланиши билан ифодаланди. Оқимнинг кундаланг қирқими бўйича босимнинг тақсимланиши оқимнинг буралиш ўқи бўйлаб катта градиентига эга бўлди. Бундай шаклдаги оқим ҳаракатидаги кавитация пуфакларининг табиати ўқ бўйлаб ҳаракатдаги оқимда ҳосил бўладиган кавитация пуфаклари хусусиятларидан кескин фарқ қилди. Иккинчи шакл– ўтиш участкаларида (диффузор, конфузор) турли масштабдаги уярма тизимлари генерация бўлади, гидродинамик босим ва тезликларни пульсацияланиши билан боғлиқ ҳолда ностационар оқимларни шаклланишига сабаб бўлди. Исталган кундаланг қирқим бўйича тезлик ўртача қийматларининг тақсимланиши ишора ўзгарувчи эпюрага эга бўлиш имкониятини беради.

4. Физик моделда ўтказилган экспериментлар натижасига кўра, кавитация ҳосил бўлишининг ўзаро таъсир қатламларидаги циркуляция–илгариланма ва контр уюрмали оқимлар соҳасида оқим ўқиға нисбатан кўчиш тенденцияси ҳосил бўлиши аниқланди. Бундай ҳолда кавитация жараёни қаттиқ сиртдан оқим ўқиға нисбатан кўчиб, гидротехника иншоотларидаги кавитация эрозиясини камайишига олиб келади. Бундай характерга эга кавитация жараёнлари одатдаги ўқ бўйлаб вужудга келадиган кавитация жараёнларидан тубдан фарқ қилади.

5. Эксперимент натижаларини интерполяцияси, физик моделдаги максимал напордан 20 фоизга ортиқ напорларда кавитация жараёнларини узлуксиз ҳолатига ўтишини аниқлаш имкониятини яратди. Экспериментал тадқиқотлар натижасида напорларга боғлиқ равишда кавитация сонини аниқлаш имконияти яратилди.

6. Карманнинг уюрмали йўлакчасини ҳосил қилувчи профиль учун оқим тезлиги, кўтариш ва оқим ҳаракатига қаршилиқ қилувчи кучлар аниқланди. Гидравлик усуллар ёрдамида профилнинг геометрик хусусиятлари, профилнинг таъсир бурчаги (угол атаки) ва уюрмали оқимда вужудга келадиган тезликларни ҳисоблаш имкониятини беради.

7. Массани, импульсни, энергияни сақланиши ва ҳаракат миқдори қонунлари ҳамда экспериментал тадқиқотлар асосида диффузор параметрлари такомиллаштирилди. Сув зичлиги  $\rho = 1000$  кг/м<sup>3</sup>, қирқим юзаси  $S_2 = 0,15$  м, оқим тезлиги  $V_0 = 3,3$  м/с бўлганда ҳамда  $\omega z_1 \approx 0,99$  м/с ва  $\alpha_\omega(z)$  таъсир бурчагида, диффузорнинг  $S_2$  қирқимида оқимнинг кинетик энергияси 20 фоизга қадар камайиши билан боғлиқ диффузорнинг ишлаш режимининг оптимал қийматлари топилди.

8. Назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида уюрмали оқимни қуйи бўёф билан туташтириш шартлари аниқланди. Уюрмали ҳаракат илгариланма ҳаракатга ўтиши участкасининг узунлигини аниқлашнинг гидравлик ифодаси аниқланди. Гидравлик моделлаштириш ёрдамида турли сўндиргичларга эга қувурсимон сув ташлаш трактида гидродинамик босим динамикасини ифодаловчи тенглама олинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО  
ХОЗЯЙСТВА**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ИРРИГАЦИИ И  
ВОДНЫХ ПРОБЛЕМ**

**ЖОВЛИЕВ УКТАМ ТЕМИРОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ГИДРАВЛИЧЕСКИХ МЕТОДОВ  
УСТАНОВЛЕНИЯ ПАРАМЕТРОВ ВОДНОГО ПОТОКА В  
ВЫСОКОНАПОРНЫХ ГИДРОТЕХНИЧЕСКИХ СООРУЖЕНИЯХ**

**05.09.07–Гидравлика и инженерная гидрология**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Ташкент – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.3.PhD/T834.**

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте ирригации и водных проблем  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** Худайкулов Совет Ишанкулович  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Эшев Собир Саматович  
доктор технических наук, профессор

Гаппаров Фуркат Ахматович  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:** Ташкентский архитектурно-строительный институт

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года в \_\_\_\_ часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства. (Адрес: 100000, г. Ташкент, улица Кары Ниязова 39. Тел: (99871) 237-22-09; факс: (99871) 237-54-79; e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер №\_\_\_\_). (Адрес: 100000, Ташкент, улица Кары Ниязова 39. Тел: (99871) 237-19-45).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Т.З. Султанов**  
Председатель научного совета  
по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**А.А. Янгиев**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.т.н., профессор

**Д.Р.Базаров**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Одним из важнейших вопросов в мире в области водного хозяйства и гидроэнергетики является сопряжение бьефов гидротехнических сооружений высокого давления, исследование гидродинамических процессов в трубопроводах высокого давления с различными сооружениями, гасящими кинетическую энергию воды, совершенствование параметров сооружений гасящих кинетическую энергию воды. В этой связи, с целью соединения бьефов, а также гашения кинетической энергии воды в высоконапорных водопроводящих трактах эффективно используют следующие: завихритель, диффузор, конфузор и другие устройства и сооружения. В этом направлении многие развитые страны, такие как США, Канада, Индия, Китай, Нидерланды, Россия и Узбекистан уделяют особое внимание совершенствованию конструкций и гидравлическим расчетам вихревых шахтных, а также диффузорных, конфузорных водосбросных трактов.

В мире особое внимание уделяется целевым исследованиям при проектировании, строительстве и эксплуатации высоконапорных вихревых потоков. Наряду с этим, научно-технические проблемы, связанные с сопряжением бьефов высоконапорных гидротехнических сооружений, а также с динамическими напряжениями, вибрациями, кавитационными процессами отрицательно воздействующих на элементы конструкций сооружений и возникающие в результате деятельности различных устройств, сооружений (завихритель, конфузор, диффузор и др.) используемых в высоконапорных трактах гидротехнических сооружений являются одними из необходимых задач.

В настоящее время осуществляются мероприятия касающиеся созданию новых методов гидравлических расчетов создающих возможность сопряжения нижнего бьефа с высоконапорными потоками на гидротехнических сооружениях сферы водного хозяйства и энергетики Республики. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи по «...реализации целевых программ развития и модернизации инженерных коммуникаций и инфраструктуры...»<sup>1</sup>. Исходя из данных задач, одной из важных задач является проведение научно-исследовательских работ, направленных на разработку теоретических основ и методов, имеющих научное и практическое значение расчета сопряжения нижнего бьефа с высоконапорными потоками.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 25 сентября 2017 года за № ПП-3286 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов», от 9 октября 2019 года за № ПП-4486 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

управления водными ресурсами», а также в других нормативно-правовых документах, касающиеся этой деятельности.

